O'ZLIDEP

# XXI asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

28-iyun 2023-yil 27 (1025) | www.21asr.uz | @XXIasr_yangiliklari | XXIasrgazetasi | xxi_asr@mail.ru | asr_xabarlari_news

2023 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ




# ЖИЗЗАХДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.***

*Тадбирни номзоднинг ушбу вилоятдаги ишончли вакили Байрамбек Узоқов кириш сўзи билан очди ва сўнгги олти ярим йилда Жиззахда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритди.*

У мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, янгиликларни ҳар бир оила ўз ҳаётида ҳис қилаётганини таъкидлади.

Учрашувда президентликка номзод жиззахлик сайловчиларни ўзининг сайловолди дастури билан атрофлича таништирар экан, яқин йилларга режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тўғрисида тўлиқ маълумот берди.

– Жиззахда мактабгача таълимга эҳтиёж 100 фоизга қопланади, – деди жумладан Шавкат Мирзиёев. – Бунинг учун жойларда 400 та янги боғча ташкил этилади.

Вилоятда 2030 йилга қадар янги мактаблар қуриш, мавжудларининг қувватини ошириш, шунингдек, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ҳисобига қўшимча 75 минг ўқувчи ўрни яратилади. Натижада бирорта туманда 30 нафардан кўп бола ўқийдиган мактаб синфлари қолмайди. Улар яқин орада замонавий компьютер синфи, интерактив доска ва ўқув лабораторияси билан жиҳозланади. Барча боғча ва мактабларда ўғил-қизларимиз учун фильтрланган ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилади.

Келгуси етти йилда Жиззахда 85 та тиббиёт муассасаси қурилади ва таъмирланади. Хусусан, аллергология, урология, нейрохирургия каби 12 та ихтисослашган марказ филиаллари ишга туширилади. Ғаллаорол ва Пахтакорда туманлараро перинатал марказлар очилади.

Бундан ташқари, вилоятда болалар юрак жарроҳлигини йўлга қўйиш ҳисобига ҳар йили 500 нафардан зиёд юрак нуқсони бор болаларда мураккаб операциялар ўтказилади.

– Одамларимизнинг уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар 25 минг оилага мўлжалланган 500 та кўп қаватли уй барпо этилади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Вилоятда энг долзарб бўлган ичимлик суви масаласига эътиборни янада кучайтирамиз.

Келгуси йилда Зарафшон дарёсидан 160 километр магистрал қувурни тортиш ҳисобига Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳридаги 600 минг аҳолининг сув таъминоти тубдан яхшиланади.

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Ер юзидаги жамики ислом уммати қатори меҳр-мурувват, эзгулик ва саховат рамзи – муборак Қурбон ҳайитини катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган сиз, азизларни, барча юртимиз мусулмонларини, бутун халқимизни ушбу улуғ айём билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Дилларимиз қувончга тўлган мана шундай қутлуғ дамларда, аввало, эл-юртимиз билан бирга Қурбон ҳайитига тинч-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Айни пайтда бу муқаддас байрам моҳиятида мужассам бўлган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик, инсонпарварлик ғоялари бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга ошираётган ислоҳотларимиз, улкан мақсад ва вазифаларимизга уйғун ва ҳамоҳанг эканини ҳис этиб, кўнгилларимиз янада шукуҳга тўлмоқда.

Юртимиздаги ҳар бир маҳалла, шаҳар ва қишлоқдаги тинчлик ва ободлик, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда Қурбон ҳайити сингари азалий байрам ва қадриятларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг фидокорона ва олижаноб меҳнати билан ҳаётимизни янада эркин ва фаровон қилиш, инсон қадрини улуғлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча азиз юртдошларимизга чин дилдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантириш, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилаётгани барчангизга яхши маълум, албатта.

Хусусан, мўмин-мусулмонларимиз учун яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар туфайли мана шу Қурбон ҳайити кунларида 15 минг нафар ватандошимиз Маккаи мукаррамада муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда.

Уларнинг барчасини бугунги улуғ айём билан қутлаб, Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, оилаларимиз, фарзандларимизнинг бахту иқболини тилаб қилаётган дуолари ижобат бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Ҳеч шубҳасиз, кўп миллатли ва кўп конфессияли халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, гўзал юртимизни ягона Ватан деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришга биз бундан буён ҳам алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ишончим комил, барчамиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Янги Ўзбекистонни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаромиз тинч-осойишта, эркин ва фаровон яшайдиган, том маънодаги дўстлик ва бағрикенглик диёрига айлантирамиз.

Мана шу мунаввар лаҳзаларда дунёнинг узоқ-яқин ҳудудларидаги барча мўмин-мусулмонларга самимий табрикларимизни йўллаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва тараққиёт тилаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги йилларда шаклланган яхши анъанамизга мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан бу йил ҳам бир неча кундан иборат дам олиш кунлари белгиланди.

Бу хонадонларимизга, ҳаётимизга Ийд ал-адҳонинг эзгулик нури, чинакам байрам кайфиятини олиб киришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муқаддас масканлар, улуғ аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилиш, мўътабар ота-она元 ларимиз, қариндош-уруғларимиз, ёру биродарларимизни йўқлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, юртимиз бўйлаб саёҳатларни амалга ошириш учун бу – яна бир қулай имконият, десак, тўғри бўлади.

Сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни Қурбон ҳайити билан яна бир бор муборакбод этиб, байрамни оила, дўстлар ва яқинлар билан бирга файзли ва мазмунли ўтказишингизни тилайман.

Илоҳим, барча пок ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг “**Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожи йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим**” деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми, деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадиий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилгани китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадад бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан кўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни – қора, қорани – оқ, деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶




## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
28-iyun 2023-yil 27 (1025)

# ЖИЗЗАХДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.***

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

Сув таъминоти оғир бўлган 100 та маҳаллада 2 минг километр ичимлик суви тармоқлари ўтказилади. Натижада 320 минг аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланади. Умуман, 2030 йилга қадар вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви таъминоти 90 фоизга етади.

Жиззахда Хитой компаниялари билан ҳамкорликда электромобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шавкат Мирзиёев тилга олган бу янгиликни жиззахлик сайловчилар хурсандчилик билан кутиб олишди.

– Жиззахда автомобилсозлик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, жами 700 миллион долларлик инвестиция киритилади, – деди номзод. – Хусусан, Хитой компаниялари билан 80 миллион доллар инвестиция ҳисобига йилига яна 50 мингта автомобиллар ишлаб чиқариш бошланади. 130 миллион доллар инвестиция ҳисобига эса электромобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва келгуси йилларда қуввати 300 минг донага етказилади. Шунингдек, кореялик ҳамкорлар билан биргаликда, 235 миллион долларлик лойиҳа доирасида автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 200 минг донага етказилади.

Учрашув давомида саноатни ривожлантириш учун барқарор электр энергияси зарурлиги учун Фориш ва Ғаллаоролда Хитой ва Бирлашган Араб Амирликлари компаниялари билан жами 750 Мегаватт қувватга эга 700 миллион долларлик қуёш станциялари ишга туширилиши айтиб ўтилди.

Шароф Рашидов туманида Туркия компаниясининг 350 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига 450 Мегаваттли замонавий буғ-газ қурилмаси барпо этилади. Шунингдек, 4,5 минг километр электр тармоқлари ва 1 минг 100 дан ортиқ трансформатор янгиланади.

Жиззахлик сайловчилар билан мулоқотда Шавкат Мирзиёев иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлашга оид режалар ҳақида ҳам маълумот берди.

– Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда “Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”ни ташкил қиламиз, – деди у. – Ушбу марказ ёшларимиз учун чинакам “лойиҳалар фабрикаси” бўлади ва унга эркин иқтисодий зона мақоми берилади.




Ушбу Марказда лойиҳа офислари жойлаштирилиб, ёшлар ғояларини “тайёр бизнес”га айлантиришга кўмаклашади. Шунингдек, Марказ ҳудудида саноат зоналари ва “стартап” лойиҳалари учун коворкинг майдончалари бўлади. Туманлардаги жами 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарига эса Марказнинг филиали мақоми берилади ва уларда “лойиҳа гуруҳ”лари иш юритади.

– Энди “Топ-100”та олийгоҳга кирган ўғил-қизларимизга “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари қўшимча имтиҳонларсиз ажратилади, – деди учрашувда номзод. – Мамлакатимизнинг “Олтин фонди” бўлган ушбу иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. “Топ-500”та олийгоҳ грантини олган фарзандларимизга авиачипта ва ётоқхона харажатлари тўлиқ қоплаб берилади. Бу мақсадлар учун ҳар йили 200 миллион доллар ажратилади.

Қизғин ва самимий учрашувда Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон каби туристик мажмуаларда, шаҳар ва туманлардаги марказий паркларда “Очиқ осмон остида кутубхона”лар ташкил қилиниши алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, ўз ҳисобидан кутубхона барпо этаётган ташаббускорга 1 мингтадан ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари олиб берилади. Улар давлат ҳисобидан компьютер билан жиҳозланиб, Миллий кутубхона базасига уланади.

Учрашувда O‘zLiDeP вакиллари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашини таъкидлашди ва бошқаларни ҳам шунга даъват этишди.

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

Ахборот маконидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шарти ва талаби бўлган холислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга кўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар, деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз ҳурматли журналист ва блогерлар, айниқса, миллий медиа маконимизга янги ғоя ва ташаббуслар билан кириб келаётган истеъдодли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ваноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқаро муносабатлар сингари йигирмадан зиёд таълим йўналишлари бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улуғ айём – Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМАРҚАНДНИНГ МАЪМУРИЙ МАРКАЗИ БОШҚА ҲУДУДГА КЎЧИРИЛАДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 26 июнь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.***

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 26 июнь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Тадбирни номзоднинг ушбу вилоятдаги ишончли вакили Рустам Холмуродов кириш сўзи билан очди ва сўнгги олти ярим йилда Самарқандда амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги, аҳоли фаровонлиги, иқтисодиёт тармоқлари ривожи ҳақида мулоҳаза юритди. Вилоятда одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилгани, Самарқанд чин маънода обод бўлаётгани таъкидланди.

Учрашув давомида Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан атрофлича маъруза қилди. Жумладан, келгуси етти йилда туризмни ривожлантиришга оид режалар ҳақида тўхталиб, сайёҳлик соҳасида яратилган 1 та янги иш ўрни, бошқа соҳаларда яна 2 та иш ўрни пайдо бўлишига туртки беришини қайд этди.

– Очиқ айтадиган бўлсак, жазирама иссиқ ва изғирин совуқда, ҳаммани пахтага мажбурий сафарбар этган йилларда ҳам, Ўзбекистон пахта толасининг экспорти 1 миллиард доллардан ошмаган, – деди номзод. – Ҳозирги кунда туризм экспорти бу маррадан ошиб ўтди. Агар уни 3-4 баробар оширсак, пахта экмасак ҳам бўлаверади.

Қизғин мулоқотда барча халқаро аэропортларда хорижий туристларга Ўзбекистонда сотиб олган маҳсулоти учун қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш йўлга қўйилиши, хориждан турист олиб келган тур-операторларга экспортчи корхоналар каби қўшилган қиймат солиғи тўлиқ қайтариб берилиши, тур-операторлар транспортига шаҳардаги туристик маршрут ва объектларга бориш учун қулай ҳаракатланиш шароитлари таъминланиши, чет элдан олиб келинган туристик транспорт воситалари учун қўшилган қиймат солиғини 3 йил ичида фоизсиз ва бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши хусусида сўз борди.



– Ички туризмни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – 2030 йилга бориб, камида 25 миллион аҳолимиз мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун барча имкониятлар ишга солинади.

Хусусий шериклик асосида водийдан Тошкент, Нукус, Бухоро ва Урганч шаҳарларига кунлик авиарейслар кўпайтирилади. Мамлакатимиз миқёсида шаҳарлараро автобус қатновини таъминлайдиган компаниялар ташкил этилади. Фарғона водийсининг туман ва шаҳарларини боғловчи “Олтин водий сайёҳлик ҳалқаси”, Хоразм ва Қорақалпоғистон бўйлаб “Қалъалар ҳалқаси” каби янги туристик йўналишлар очилади. Яхши қўшничилик сиёсати давом эттирилиб, Наманганда Нанай ва Фарғонада Шоҳимардон ҳудудларининг туризм салоҳияти тўлиқ ишга солинади. Жойларда яна 4 мингта меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостеллар ташкил этилиб, меҳмон ўринлари сони камида 2 баробар, яъни ҳозирги 120 мингдан 250 мингга оширилади.

Номзод ўз маърузасида ногиронлиги бор шахслар учун “Тўсиқсиз туризм” дастури ишлаб чиқилишни маълум қилди.

Бунда ҳар бир вилоятдан йилига 1 минг нафардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг Самарқанд, Бухоро ва Хивага бепул саёҳатлари ташкил қилинади. Келгуси икки йилда 200 та маданий мерос ва 100 та концерт-томоша объектлари, аэропорт, авто ва темир йўл вокзалларида зарур инфратузилма яратилади.

Бу дастурни амалга ошириш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ ажратилади. Умуман, туризм лойиҳаларига 2030 йилга қадар 2,5 миллиард доллар миқдорида инвестициялар йўналтирилади.

– Автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти тармоғини янада кенгайтирамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Рақамларга эътибор қилинг. 2016 йилга қадар 25 йил ичида Ўзбекистонга 25 та самолёт олиб келинган. Биргина монопол авиакомпаниямиз бор эди.

Сўнгги йилларда эса 19 та замонавий самолёт олиб келинди, 5 та хусусий авиакомпания иш бошлади. Натижада шу йилнинг ўзида авиа-ташувлар сони 2 баробарга кўпайди.

Келгуси 7 йилда яна 56 та замонавий самолёт олиб келинади ва авиа-паркдаги самолётлар 100 тага етказилади. Авиақатновлар сони 4 баробар оширилади, халқаро парвозлар йўналишлари 5 карра кўпайтирилади.

Бунинг учун ҳудудлардаги 6 та йирик аэропорт хусусий шерикчилик асосида янгиланади. “Очиқ осмон” режими барча аэропортларда жорий қилинади.

– Самарқанд вилоятида келгуси 7 йилда қўшимча 110 мингта янги ўқувчи ўрни яратамиз, – деди номзод. – Бунда 21 та янги мактаб ва 347 та мактаб учун қўшимча бино қурилади. 210 та мактаб капитал таъмирланади. 2030 йилга қадар бирорта маҳаллада боғча муаммоси қолмайди. Бунинг учун 76 та маҳаллада илк бор боғча фаолияти йўлга қўйилади, қўшимча 255 та боғча ташкил қилинади.

Самарқандлик сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев “Тошкент – Самарқанд” ва “Тошкент – Андижон” йўналишларида янги тезюрар автомобиль йўллари қурилишини маълум қилди.

Келгуси 7 йилда республика аҳамиятидаги йўлларни қуриш ва таъмирлашга жами 5,3 миллиард доллар йўналтирилади. Бугунги кунда “Тошкент – Самарқанд” йўналишида суткасига 35 мингта, “Тошкент – Андижон” йўлида 30 мингта автомобиль ҳаракат қилмоқда. Бу – йўлларга юклама 1,5-2 баробар кўпайди, дегани.

Шу боис, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки кўмагида айни йўналишларда хусусий шериклик асосида янги тезюрар автомобиль йўллари қурилади. Бунга 4 миллиард доллар инвестиция киритилади. Натижада ушбу йўналишларда манзилга етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради.

Осиё инфратузилма инвестициялар банки кўмагида Тошкент – Шаҳрисабз – Термиз (М-39) йўли қайта қурилади, “Самарқанд – Бухоро – Олот” йўли таъмирланади. Бу ишларга жами 300 миллион доллар сарфланади.

– Келгуси 7 йилда вилоятда 100 минг квартирали 2 минг 300 та замонавий ва ҳамёнбоп уй-жой қурилади, – деди номзод. – Жумладан, Самарқанд шаҳри ва барча туманларда “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилади. 5 минг 300 километр ички йўллар ва 160 та кўприк таъмирланади, 5 минг 700 километр электр тармоқлари, 2 мингта трансформатор янгиланади.

Шунингдек, 7 минг километр ичимлик ва оқова суви тармоқлари қурилади, 180 та маҳаллада ичимлик сув таъминоти яхшиланади. Натижада 2030 йилга бориб, вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ҳозирги 71 фоиздан 96 фоизга етказилади. Умуман, ичимлик суви ва йўллар инфратузилмасини яхшилашга 450 миллион доллар йўналтирилади.

Сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрини аҳоли ва сайёҳлар учун қулай бўлган “бир миллионлик шаҳар”га айлантириш борасидаги режаларини ҳам маълум қилди.

Бунинг учун Самарқанд, Пастдарғом, Оқдарё ва Тойлоқ туманлари ҳудудидан 18 минг гектар ер майдони шаҳар таркибига ўтказилади. Вилоятнинг маъмурий маркази шаҳарнинг тарихий марказидан бошқа ҳудудга кўчирилади.

Самарқанд шаҳрида сув таъминоти ва йўл тармоқларини модернизация қилишга қўшимча 270 миллион доллар ажратилади. Шаҳарда жамоат транспорт тизими тўлиқ модернизация қилинади. Бу мақсадлар учун 40 та янги автобус йўналиши, аэропорт, темир йўл вокзали ва тарихий марказларни боғлайдиган 5 та экспресс автобус йўналиши ташкил қилинади.

Учрашув сўнгида партия вакиллари ва таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқдилар. Улар сайловолди дастуридан ўрин олган ҳар бир ташаббус вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

**O‘zLiDeP матбуот хизмати**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН МАМЛАКАТ

*Барчамиз учун ягона ватан – жонажон Ўзбекистонимиз тарихан жуда қисқа, олти ярим йиллик даврда инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида ғоят юксак марраларга эришди.*

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сайловолди дастури бош фалсафаси – инсон қадрини улуғлаш, халқ иродасини, орзу-умидларини рўёбга чиқариш. Унда ўтган йилларда мамлакатда қилинган ишлардан келиб чиқиб, кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар кўлами аниқ белгилаб берилмоқда.*

O'ZLIDEP

## СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – СТРАТЕГИК ВАЗИФАМИЗ

Партиямиздан номзоднинг Сайловолди дастуридан ўрин олган бешта стратегик йўналишдан бири сифатида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш этиб белгиланган.

Таъкидлаш керакки, охирги йилларда сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тизимга инновацион, замонавий технологияларни олиб кириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилди.

Номзодимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепция"си тасдиқланди. Манзилли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида биргина 2022–2023 йилнинг биринчи чорагида 1,6 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди, 3,4 миллион аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш, ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, "Ақлли сув", сувни "онлайн" назорат қилиш, "Дайвер" рақамли қурилмаларни ўрнатиш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш натижасида 295 километр узунликдаги каналлар ва улардаги 817 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилинди.

2019–2022 йилларда пахта майдонларида сувни тежашга йўналтирилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган 5 мингдан ортиқ фермерга 138 минг 953 гектар майдонда ушбу технологияларни жорий этгани учун давлат томонидан 1 триллион 44 миллиард сўмдан ортиқ субсидия маблағлари ажратиб берилди.

Яхши маълумки, минтақамизнинг асосий сув артериялари бир неча мамлакатлар ҳудудини кесиб ўтган бўлиб, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш қўшни давлатлар билан баҳамжиҳат, келишувда ишлашни талаб қилади.

Ушбу муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда номзодимиз ташаббуси билан ҳозирда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Чекланган ресурс ҳисобланмиш сувдан самарали фойдаланиш мақсадида партиядан номзодимиз ўз дастурида суғоришда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини янада жадаллаштиришни таклиф этмоқда. Жумладан, ушбу таклифлар қаторида:

– 2030 йилга қадар экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш;

– далаларга сув етказадиган объектларни фермер ва кластерлар бошқарувига бериш, сув етказиш тизимига ривожланган давлатлар тажрибасини кенг жорий қилиш;

– сув тежайдиган технологияни жорий қилган фермер ва деҳқонларни янада рағбатлантириш ва бунга 10 фоизли кредит ажратиш, ўз ҳисобидан жорий қилганларга эса, харажатнинг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини жорий этиш каби таклифлар ўрин олган.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш илк бор Сайловолди дастурида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида ўртага қўйилиши, қолаверса, бу борада мавжуд муаммоларни очиқ айтиш баробарида, уларни бартараф этиш бўйича аниқ ечимларнинг таклиф этилаётгани режалаштирилаётган ислоҳотларнинг халқ учун, халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Номзодимиз Сайловолди дастурида халқимизни ўйлантирган яна бир муҳим муаммо – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам сўз бормоқда.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Шавкат Мирзиёевнинг муҳим сиёсий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириши билан бир қаторда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий ўзаро боғлиқлик борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этди.

Номзодимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича резолюцияси, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюцияси, БМТнинг Оролбўйи бўйича траст жамғармасини ташкил этиш бўйича тарихий қарори қабул қилинди.

Оролбўйи ҳудудида глобал экологик муаммонинг олдини олиш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1,8 миллион гектар майдонда чўл ўсимликларининг уруғи ва кўчатидан "яшил қопламалар" ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди. Бунинг учун ишчи-ходимлар ва аҳоли томонидан саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида охирги икки йилда жами 400 миллион тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Бунда сувсизлик ва қурғоқчиликка мос дарахт турларига алоҳида эътибор қаратилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Номзод Сайловолди дастурида бу соҳада 2030 йилгача бўлган даврда қуйидаги аниқ чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган:

– "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтириш;

– яшил майдонларни кўпайтириш учун йилига 400 миллиард сўм ажратиб бориш орқали аҳоли масканлари, умуман, маҳаллаларда экологик муҳитни яхшилашга эришиш;

– давлат идоралари, корхоналар, олийгоҳларда ҳам ўзининг яшил боғларини ташкил қилиш;

– янги уй-жой қуришда пудратчиларга "яшил ҳудуд" ва автотураргоҳ барпо этишни мажбурий талаб қилиб қўйиш;

– 2030 йилгача республикада кўкаламзорлаштириш даражасини 18 фоиздан 30 фоизга етказиш;

– Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни келгуси етти йилда 2,3 миллион гектарга етказиш;

– Тошкент шаҳрида амал қилаётган бошқарув компаниялари фаолиятини бошқа ҳудудларда ҳам жорий этишга эришиш;

– барча қишлоқ ва шаҳарларни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш, уларни қайта ишлашни эса камида 65 фоизга етказиш;

– муайян ҳудудга янги ҳоким тайинланганда, ўша ерда экологик аудит ўтказиш, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, бунинг эвазига ҳудуд аҳолиси ҳоким олдига сув ва ҳаво тозалиги, кўкаламзорлаштириш даражаси бўйича аниқ масала қўя оладиган тизимни яратиш.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Суд-ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳасида сўнгги олти ярим йиллик ислоҳотларни таҳлил қилар эканмиз, жамиятимиз ҳаётида адолат тамойилини том маънода қарор топтириш, одил судловга эришиш, шунингдек, давлат органларининг халқ дарди билан яшашини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шулардан қуйидаги муҳим ўзгаришларни келтириш мумкин. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилди. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди.

Узоқ йиллар оғриқли масала бўлиб келган "прописка" тизими тубдан ислоҳ этилди. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини бериш, уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Натижада мамлакат ҳудудида доимий истиқомат қиладиган, фуқаролиги бўлмаган 75 мингга яқин шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш имконияти яратилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Фуқаролар ва юридик шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалда тўлиқ рўёбга чиқариши мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди.

Қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилди. Шунингдек, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинди.

"Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди, шунингдек, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Бош Қомусимиз ҳисобланган янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистонга ҳуқуқий давлат, деган таъриф берилди ва шу асосда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида халқ хизматидаги давлатни барпо этиш вазифаси Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири этиб белгиланди.

Шу муносабат билан номзодимиз дастурида бу йўналишда қуйидаги вазифалар устувор деб белгиланди.

Жумладан:

– рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш принципини ҳаётимизга жадал олиб кириш;

– давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиб, давлат бошқарувида мавжуд бўлган минглаб функцияларни босқичма-босқич рақамлаштириш;

– фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилишида ортиқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизимини яратиш;

– ҳар бир маҳаллада электрон хизмат нуқталари ишга туширилиб, маҳаллаларни барча масалаларни "бир қадам" тамойили асосида ҳал этадиган масканга айлантириш;

– давлат томонидан фуқаролик хизмати тизимини рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият бериш;

– ҳокимларнинг Кенгашга раҳбарлик ваколати бекор қилиниши билан, уларнинг Кенгаш олдида, халқ олдида ҳисобдор бўлишини, масъулияти ва жавобгарлиги оширишини таъминлаш;

– ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланган ҳолда, улар фаолиятида жамоатчилик иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиш;

– мол-мулк ва ер солиқларини маҳаллада қолдириш;

– келгуси йилларда "Очиқ бюджет"га бериладиган маблағни 3 карра ошириб, 24 триллион сўмга етказиш бўйича чоралар кўриш;

– маҳалла раисларининг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш;

– очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини қатъий кафолатлаш;

– нодавлат нотижорат ташкилотларини янада қўллаб-қувватлаб, улар учун барча шароитларни яратиш.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун номзодимиз дастурида қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

– терговда шахс ҳуқуқини чеклашга санкция бериш масаласи алоҳида судьялар томонидан кўриб чиқилиши амалиётини йўлга қўйиш;

– одамларни "қамоққа олиб тергов қилиш" амалиётини камайтириш, бунинг ўрнига гаров эҳтиёт чорасидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш;

– қамоқдаги шахслардан олинган "айбни бўйнига олиш" ҳақидаги ариза далил сифатида қабул қилинмаслигини таъминлаш;

– жабрланувчининг илтимосига асосан, жиноят ишини қўзғатмасдан ҳам ярашиш имкониятини яратиш;

– жиноят содир қилган шахслар келгусида тузалиш йўлига ўтиши учун муқобил жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кенгайтириш;

– солиққа оид жиноятлар бўйича тадбиркор суд ҳукми чиққунга қадар зарарни қопласа, жавобгарликдан озод этиш тартибини жорий этиш;

– тергов-суд жараёнида тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес омбудсман ва Савдо-саноат палатасини жалб этишга оид янги тартибни ўрнатиш.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган.

Ўтган йилларда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида чуқур ўйланган ва конструктив ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Халқаро ҳамжамият нигоҳида мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, Янги Ўзбекистон дунёга очилди.

Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми икки баробардан зиёдга ўсди, қўшниларимиз билан орамиздаги 25 йиллик "муз эриди". Натижада кунига 30 минг одам ҳеч қандай тўсиқсиз чегарани кесиб ўтиш имкониятига эга бўлди.

Ташқи сиёсат соҳасида номзодимиз дастурига қуйидаги кенг кўламли вазифалар киритилган. Жумладан:

– Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фақат халқимиз ва давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш;

– Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббусларини халқаро майдонда фаол илгари суриш;

– қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш;

– Марказий Осиёда турли йўналишлар, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

– хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш;

– хориждаги ватандошларимиз орасида она тили, миллий маданият ва анъаналарни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўриш;

– ватандошларимизга дунёнинг исталган нуқтасидан мамлакатимиздаги давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратиш;

– ташқи меҳнат миграцияси тизимини тўлиқ ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган аҳолини касбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини кенгайтириш;

– хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимиз Европа ва Осиёнинг юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга бориши учун давлат томонидан кўмак бериш тартибини жорий этиш;

– мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

– меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз доимий ғамхўрлигида бўлиши, уларнинг фарзандлари ўқиши ва олийгоҳларга киришида ҳам енгилликлар бериш бўйича чоралар кўриш.

Хавфсизликни таъминлаш масаласида ҳам Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб қўйилмоқда.

Охирги йилларда мазкур соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳияти мустаҳкамланиб, Қуролли Кучларнинг жанговар таркиби ва шайлиги такомиллаштирилди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги бир йилнинг ўзида 3 мингдан ортиқ ҳарбий уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, номзодимиз дастурида бу борада кейинги етти йилда қуйидаги чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган:

– Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида миллий армиямизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш;

– ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳиятни Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантириш;

– ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояси атрофида бирлаштириш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб бориш;

– давлатимиз рамзлари, хусусан, байроғимиз хонадонларда ҳам ҳилпираб туриши учун зарур ҳуқуқий асослар яратиш, уни миллий ғуруримиз тимсолига айлантириш.

Биз юртдошларимиз, сайловчиларимизни Янги Ўзбекистонни биргаликда қуришга даъват этамиз. Зеро, Янги Ўзбекистон орзусини амалга оширишда энг катта таянчимиз, бу – халқ. Энг эзгу ниятимиз халқимизни бахтли ва фаровон кўришдир. Номзодимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев учун овоз беришга чақирамиз!

**Барно МИРЗАМОВА,**
**Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,**
**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,**
**O'zLiDeP фракцияси аъзолари**

www.21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
28-iyun 2023-yil 27 (1025)

# Истиқлолнинг нурли истиқболига йўл

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

## КРЕДИТ ФОИЗ СТАВКАСИ 10-12 ФОИЗГА ТУШИРИЛАДИ

O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Тошкент шаҳридаги ишончли вакили Рустам Каланов** Тошкент молия институтида юнусободлик сайловчилар билан учрашувда бу ҳақда маълум қилди.

Ишончли вакил номзоднинг сайловолди дастурига биноан мамлакатимизда амалга оширилиши кутилаётган ишлар тўғрисида сўзлади. Қайд этишича, келгуси йилларда кредит фоиз ставкаси 20 фоиздан 10-12 фоизга туширилади. Банк омонатлари ҳажми 4 бароборга оширилади. Банкларни хусусийлаштириш тезлаштирилади, давлат ихтиёрида фақат 3 та банк қолади. Банк бозорига 4 та йирик нуфузли чет эл банки кириб келиши учун имконият яратилади. Қимматли қоғозлар бозори ҳажми 10 миллиард долларга етказилади. Хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкил этилади.




Шунингдек, 50 та нуфузли хорижий бренд билан махсус экспорт зоналари ташкил қилинади. Тадбиркорларга "тайёр бизнес" шаклида саноат ипотекаси тизими тўлиқ йўлга қўйилади. Ҳар бир туманда камида мингта иш ўрни яратадиган 2 тадан янги саноат зонаси ташкил этилади. IT хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилади. 2030 йилга қадар жами экспорт ҳажми 2 баробар оширилиб, 45 миллиард долларга етказилади.

Унинг таъкидлашича, Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий омиллари сифатидаб белгиланган. Таълим, тиббиёт ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат ўз мажбуриятларини бажаради.

Номзоднинг халқчил ва концептуал ғояларини ўзида жамлаган сайловолди дастури янги қабул қилинган Конституция ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг узвий ва мантиқий давоми сифатида келгуси етти йилда юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ишончли вакил барчани мамлакатни янги тараққиёт сари дадил етаклаб боришга қодир халқчил раҳбар Шавкат Мирзиёевни ёқлаб, овоз беришга чақирди.

**Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,**
**O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

## МУДОФАА ВА ҲАРБИЙ ҚУДРАТ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида танк қўшинлари, ҳаво-десант қўшинлари, терроризмга қарши кураш бўлинмалари, махсус операция кучлари бўлинмалари ва зенит-ракета қўшинлари тактик қўмондонлиги ҳамда танк қўшинлари тактик муҳандислиги каби йўналишлар бўйича офицер кадрлар тайёрланади.

– Жаҳонда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар шароитида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш масаласи бош мақсадимиз бўлади, – деди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Тошкент вилоятидаги ишончли вакили Сайёра Файзиева** айни билим юртида ўтган сайловолди ташвиқот тадбирида. – Биринчидан, Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида миллий армиямиз 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминланади. Қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бошланган ишлар жадал давом эттирилади.



Иккинчидан, ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантирилади. Ҳарбий хизматчилар, мактаб, техникум ва олий ўқув юртларида ўқиётган болалар, барча ёшларимизни тарихимиз ва маърифатпарвар аждодларимиз мероси асосида тарбиялаш учун зарур шароитлар яратилади. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояси атрофида бирлаштириш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб борилади.

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам номзоднинг сайловолди дастурида келгуси етти йилда Қуролли Кучларимизни ҳар қандай ташқи хавф-хатар, тажовуз ва таҳдидларга қатъий зарба беришга қодир бўлган яхлит ва ишончли кучга айлантириш бўйича белгиланган ислоҳотлар истиқболли эканига урғу беришди. Ва бўлажак сайловда ушбу соҳа вакилларини Янги Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратган Шавкат Мирзиёев учун овоз беришга чақиришди.

***

Хорижда ишловчиларни касбга ва чет тилларига ўқитиш кўлами кенгайтирилади. Юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларга ишга боришлари учун кўмаклашилади, фарзандларининг ўқиши ва олий ўқув юртларига киришида енгилликлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O'zLiDePдан номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили Сайёра Файзиева Янгийўл туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтган сайловолди ташвиқотида бу ҳақда маълумот берди.

БУХОРО

## ЧЕККА ҲУДУДЛАР ҲАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

– Очиқ айтиш керак-да, кейинги йилларда "Обод қишлоқ" дастури доирасида энг узоқ ҳудудлар ҳам обод этилди, – деди **O'zLiDePдан президентликка номзоднинг Бухоро бўйича ишончли вакили Самойдин Ҳусенов** вилоятнинг чекка маҳалласи ҳисобланган жонгелдиликлар билан учрашувда. – Ушбу маҳаллани ўзида бир километрлик пиёдалар йўлаги қурилди. 30 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди ва электр тармоғи янгиланди. 24-мактаб биноси мукаммал таъмирланди. 14 км узунликда сув қувури тортилди, 3,9 км йўллар асфальтланди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди. Натижада ҳудуд қиёфасининг замонавий кўриниш касб этди. Номзодимизнинг дастурига кўра бу ишлар келгуси етти йилликда ҳам изчил давом эттирилади.



Парламент куйи палатаси депутатлари Э. Аслонова ва Н. Собиров ҳам Шавкат Мирзиёев ўз дастурида ва яқинда бухоролик сайловчилар билан учрашувда кўплаб хайрли таклифларни илгари сурганини эътироф этишди. Жумладан, "Бухорода аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш бўйича 2030 йилга қадар маҳаллаларда 50 та янги оилавий поликлиника ва шифокор пункти қурилади. 200 таси тўлиқ таъмирланади. Мураккаб операцияга муҳтож, туғма юрак нуқсони бор 1 000 дан ортиқ бола давлат ҳисобидан даволанади. Бу ишларга вилоят учун йилига 30 миллиард сўм маблағ ажратилади. Шунингдек, бу ерда халқаро халқ табобати маркази ва фармацевтика кластери ташкил этиш учун 50 миллион доллар инвестиция жалб қилинади.

Учрашув сўнгида ишончли вакил жонгелдилик сайловчиларни партия номзоди Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирди.

ФАРҒОНА

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

O'zLiDePдан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Фарғона вилоятидаги ишончли вакили Мавлуда Хўжаева** Ўзбекистон туман маданият марказида сайловчилар билан учрашди.

– Келгусида мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади, – деди у йиғилганларни барчани номзоднинг сайловолди дастури билан таништирар экан. – Жумладан, солиқ тизимини соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмайди. 2024 йилдан бошлаб, янги уй-жой сотиб олган аҳолига қўшилган қиймат солиғининг ярми қайтариб берилади.




Бундан ташқари, қурилишдаги ҳисоб-китоблар шаффофлиги таъминланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотган фермерларга қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизини қайтариш амалиёти йўлга қўйилиши уларни янада ривожлантиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлади. Ижтимоий реестрга киритилган аҳолини ишга олган корхоналарга даромад солиғини қайтариб бериш бундай тоифадаги шахсларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Учрашув якунида ишончли вакил сайловчиларни бардавом ислоҳотлар ҳамда Янги Ўзбекистон келажаги учун партиямиз номзоди Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақирди.

ҚАШҚАДАРЁ

## ТИББИЁТДАН ҲАММА РОЗИ БЎЛИШИ КЕРАК

Нишон туманидаги 12-мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг **Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакил Шуҳрат Асланов** ушбу ҳududдаги сайловчилар билан учрашувда шундай деди.

– Зеро, номзоднинг сайловолди дастурининг асосий марказида "Инсон қадри учун" деган эзгу ғояси мужассам, – деди ишончли вакил. – Ана шу эзгу ғояни амалга ошириш учун Шавкат Мирзиёев ўз дастурида қатор вазифалар бажарилиш зарурлигини илгари сурмоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасида катта ислоҳотлар олиб борилиб, ўртача умр давомийлигини ҳозирги 73 ёшдан келгусида 78 ёшга етказилиши режалаштириляпти. 2030 йилга қадар оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасида ирсий касалликларни камида 2 баробар, онкология, юрак-қон томир, диабет, нафас йўллари ва юқумли касалликлар бўйича эрта ўлимни эса 2,5 баробар қисқартирилади. Бу борада 120 минг нафар онкология, 350 минг нафар диабет, 1,5 миллион юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олинади. "Гепатит С" касаллиги билан оғриган беморлар 100 фоиз давлат ҳисобидан даволанади, сил билан касалланиш даражасини юз минг аҳолига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин камайтиришга эришилади.




– Туманимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш кейинги олти йил мобайнида кескин яхшиланди, тиббиёт бирлашмамиз капитал реконструкция қилинмоқда, – деди Дўстлик маҳалласида яшовчи Наргиза Хайруллаева. – Биз хотин-қизлар юрак ва ўсма касалликларни даволатиш учун вилоятимиз маркази Қарши шаҳрига қатнар эдик. Бугун эшитдикки, келгусида ўзимизда туманлараро эндокринология ҳамда кардиология бўлимлари ташкил этилар экан. Замонавий туғруқ комплекси қурилар экан. Рости, бундай қувончли хабарларни эшитиб, биз чўл ҳудудида яшовчилар роса севиндик. Шу боис, бўлажак сайловда ана шундай хайрли мақсадлар ташаббускори Шавкат Мирзиёев учун овоз беришга қарор қилдик.

***

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакили Шуҳрат Асланов муборакли сайловчилар билан учрашди. Номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган бешта устувор мақсад ҳақида сўзлаб бераркан, Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳаси тубдан ўзгартирилаётгани, ислоҳотлар боғчалар тармоғини кенгайтиришдан бошлангани боис ўтган даврда жажжи ўғил-қизларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 27 фоиздан 72 фоизга етказилганини эътироф этди.

Келгуси етти йилда эса мактабгача ва мактаб таълимини юқори босқичга олиб чиқиш бўйича янги дастурларни амалга ошириш, 2030 йилга қадар мактабгача таълимга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланиши ва қамров 100 фоизга етказилишини таъкидлади. Бунинг учун ишлаб чиқариш корхоналарининг боғча қуришга сарф этиладиган харажатлари солиқлардан тўла озод қилинади. Бу мақсадларга 7 фоизлик ставкада 10 йил муддатга кредит ажратилиб, 2030 йилга қадар қўшимча 2 мингта боғча қурилади.

Сайловолди ташвиқот тадбирида сўзга чиққан партия туман кенгаши раиси Панжи Жалилов, депутат Актам Тўраев, 5-мактаб ўқитувчиси Феруза Туева ҳам ёшларимизнинг нурли истиқболини таъминлашга интилаётган номзод Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлаб, овоз беришга чақирди. .

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

НАВОИЙ

## ИШОНЧЛИ ВАКИЛ САНОАТЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Президентликка Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятидаги ишончи вакили Қувондиқ Санақулов Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият уйида саноатчи сайловчилар билан учрашди.

– Келгуси етти йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар янада жадал давом эттирилиб, барча саъй-ҳаракатлар фаол ишга солинади, – деди у. – Номзод дастуридаги ҳар бир мақсад ва ғоя "Инсон – жамият – давлат" тамойили асосида халқимизнинг барча тоифасига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш асносида уларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган.

Сўнгра ўтган йилларда вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга тўхталди. Эътироф этилдики, вилоят иқтисодиёти 1,4 баробар ошиб, 67 триллион сўмни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши 1,3 баробарга ошди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2017 йилда 46,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 69,3 фоизга етди.

Номзоднинг кимё саноатини ривожлантиришга бераётган эътибори натижасида 2017–2022 йилларда вилоятда умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 66 та лойиҳа ишга туширилиб, 3 минг 600 нафар янги иш ўрни яратилди. Машиносозлик саноати бўйича умумий қиймати 14 миллион АҚШ долларилик 12 та лойиҳа ишга туширилди ва 383 та янги иш ўрни яратилди.

Айнан Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Навоийда саноат соҳасини янада ривожлантиришга кенг имкониятлар эшиги очилди. Масалан, Кармана туманида БАА билан умумий қиймати 110 миллион АҚШ долларилик 100 МВт қувватига эга қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилиши туфайли саноат корхоналари сони кейинги олти ярим йилда сезиларли даражада ошгани соҳада олиб бораётган изчил ислоҳотлар самарасидир. Сайловолди дастурда саноат секторини ривожлантириш борасида муҳим вазифалар белгилангани эса тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратилиши таъкидлаб ўтилди.

O'zFDXTYEK
O'ZBEKISTON FERMER, DEHQON XO'JALIKLARI VA TOMORQA YER EGALARI KENGASHI

# ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

*Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни теран нигоҳ, чуқур таҳлил билан ёритаётган, халқ билан ҳамқадам, ҳамнафас, ҳаммаслак бўлиб машаққатли вазифасини шараф билан бажараётган фидойи журналистларимизни, матбаа ва нашриёт соҳаси ходимларини, соҳа фахрийларини*

**27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

*ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган шукуҳли ва саодатли айём –*

**ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

*барча юртдошларимизни муборакбод этамиз.*

*Кўнглимиздаги самимий орзу-истаклар амалга ошаверсин!*







Маҳсулот сертификатланган.




# ЖУРНАЛИСТЛАРГА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРИЛДИ

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан O'zLiDeP фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ва партия ғояларини тарғиб қилишга ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар билан учрашув ташкил этилди.*

*Самимий руҳда ўтган суҳбат якунида журналистларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.*

**МУХБИРИМИЗ**



O'zFDXTYEK
O'ZBEKISTON FERMER, DEHQON XO'JALIKLARI VA TOMORQA YER EGALARI KENGASHI

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*жамият ва давлат тараққиётига тўсиқ бўлиб турган турли муаммо ва камчиликларни, иллатларни дадил кўтариб чиқаётган, профессионал билим ва малака, ҳаётий тажрибага эга, ўз сўзи учун масъулиятни ҳис этадиган маънавий жасорат соҳиблари бўлмиш азиз журналистларимизни касб байрами ва муқаддас Қурбон ҳайити байрами билан бетакрор диёримиздаги барча мўминларни чин қалбдан табриклаймиз.*

*Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!*







Маҳсулот сертификатланган.

НИМА ДЕЙСИЗ?

*Реклама қандай тақдим этилиши керак? Кенг оммага “Мана, кўринг яхши томонларини. Ёқса, олинг”, деб намойиш этиш керакми ёки асабига тегиб бўлса ҳам, тумшуғининг тагигача тиқиштириш керакми?*

# РЕКЛАМАЛАР...

## ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ҲУҚУҚИНИ БУЗМАСЛИГИ ШАРТ

Сергели йўналишидаги автобуслардан бирига ўтирдим. Узоқроқ юришга тўғри келди. Бора-боргунча реклама мониторида асабга тегадиган мусиқа садолари остида кийим тахлаш ўргатиб кетилди. Ҳар уч дақиқада айланаверади денг.

Бир нарса ўқигандим, шу ёдимга тушди. Немислар жуда кўп қийноқ йўлларини ўйлаб топганлар. Сир олиш учун маҳбусни ёлғиз камерага солиб, бир маромдаги мусиқани қўйиб қўйишар экан. Ёки сувни чакиллатиб томизиб қўйишар экан. Бошида ёқимли туюлган ҳар қандай товуш ҳам бир маромда такрорланаверганидан кейин асабни эговлай бошлар, психологик таъсир кўрсатиб, одамни ақлдан озиш даражасига олиб бораркан.

Ярим соат давомида (балки ундан кўп) боягi мусиқанинг такрорланавериши ҳам ишдан чарчаб қайтаётганим боисми, асабимга тегди.

– Шу мусиқани ўчириб қўйсангиз бўладими? – сўрадим ҳайдовчидан.

– Йўқ, деди у. – Бунинг учун мени қамайди.

– Қамайди? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, – деди у. – Сиз-ку ярим соатда тушиб кетасиз, опажон, мен эса куни бўйи юраман шу овоз билан. Симини узиб ташлаганим учун жаримага тортишди. Кейин пломбалаб кетишди. Мана, кўрмаяпсизми, ўзим ҳам қулоқчин тақиб олганман...

Ҳа, ҳайдовчи йўлини топибди. Лекин у қулоғидаги наушник сабаб нафақат бир маромда такрорланаётган мусиқани, балки бошқа сигналларни, айтайлик, бирор ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган огоҳлантиришларни ҳам эшитмайди-ку! Аммо нима қилсин?

Тўғри, ўша мониторда кийим тахлашдан ташқари юртимиз ҳақидаги айрим маълумотларни ҳам кўрсатишади. Аммо яна ўша мусиқа остида.

**Автобус хизмати учун йўловчилар пул тўлайди. Демак, улар истеъмолчи. Қайсидир рекламани зўрлаб тиқиштириш истеъмолчилик ҳуқуқини бузиш эмасми?**

Бунақа рекламалар акс таъсир ҳам кўрсатиш мумкинлигини наҳотки билишмаса? Масалан, телевизорда бир қизалоқ ширинликни мақтаб, бақириб чиқар эди. Шундай чинқирар эдики, овозни пастлатсанг ҳам ғашга тегарди. Мен шундан кейин ўша маҳсулотни умуман олмайдиган бўлганман. Кўрсам, ўша чинқироқ овоз ёдга тушаверарди.

Яна бир акс таъсир. Жуда кўп кузатувчиларни жамлаган иккита – сизлар ҳам яхши билган, бирида 150 минг, бирида 75 минг кузатувчи бўлган машҳур телеграм каналларда *(мен кўрганим иккитаси, аслида бошқа телеграм каналлар, сайтларда ҳам бор экан.)* қайсидир клиниканинг бир врачи чиқиб келаверади: “Ёрингизни... хушнуд қилай десангиз...” деб! Қип-қизил шармандалик! Бу каналнi болаларим, умуман, бошқа ёшлар, ўсмирлар ҳам кузатишади. Биз-ку, энсамиз қотиб ўтказворармиз, лекин айни балоғат ёшига етган ёшлар “Қани, кўрайлик-чи, ёрни қандай хушнуд қилар экан”, деб қизиқишмайди, дейсизми? Ундан ҳам қизиғи, қайсидир телеканалдаги бир сериал саҳнаси “Ёшлар ахлоқига таъсир қиляпти”, деб айюҳаннос солганлар орасида шу телеграм каналлар ҳам бор эди. Ўзлари-чи, реклама ортидан келаётган фойдалари болалари ахлоқидан азизроқми? Умуман, ўша дорига муҳтож одамлар врачга боришса, ўзи тавсия қилаверади, нега нозик муносабатларга (узр сўрайман) оид масалалар бу даражада ошкоралик билан омма олдига олиб чиқилиши керак?! Бу ҳам камдай, шу дори (восита) рекламасини аёл киши ҳам олиб чиқибди. Ўзбек аёли!

Яна денг, шу каналларда исломий ривоятлар, ҳадислар қўйилганига куясизми? Кейин ўйлаб қоламан: нега китобларни, масалан, “Фалон ёзувчининг асари таржима қилинди, жуда тарбиявий аҳамиятга эга”, “Фалончи ўзбек шоири ё адибининг фалон китоби чоп этилди, сотиб олинг”, деб реклама қилинмайди? Чунки нашриётларнинг тўлайдиган пули йўқ. Ёзувчи, шоир ҳам шундай. Ўзлари зўрға кун кўришади. Аммо уларнинг меҳнати маҳсули жамиятга фойдаси бор! Юз баробар, минг баробар ортиқроқ фойдаси бор! Миллат болаларининг тафаккурини кенгайтиради, тарбиялайди! Қани, шу каналлар ростдан ҳам ватанпарвар, жамиятпарвар бўлишса, болаларимиз учун текинга ўзлари бориб, нашриёт ё китоб дўконлар билан учрашиб, китобларни реклама қилишсин-чи!

Дарвоқе, телеканаллардаги рекламалар ҳақида. Бу ҳақда айтавериб чарчадик. Бир соатлик кинони икки ярим соатда кўриб тугатасиз. Ярмидан кўпи реклама билан ўтади. Бу худди, ош еяман, деб чойхонага борсанг, “Кечирасиз, ошга қўшиб мана бу қалампирни ҳам чайнашингиз шарт, қалампир етиштираётганлар – бизнинг ҳомийимиз”, деганга ўхшайди.

**Тушунамиз, телеканаллар реклама ҳисобга кун кўришади. Лекин ҳамма нарса ҳам эви билан-да ахир! Рекламалар давлат тилида берилиши керак, инглизча ё русча эмас, десак, таржима қиламан, деб қовун туширишади.**

Масалан, “Мы открылись” деган гапни “Биз очилдик”, деб ёзиб қўйишибди. Ахир таржима сўзма-сўз амалга оширилмайди, гап маъносидан келиб чиқилади. Бу худди “Сени яхши кўраман” (севаман маъносида) деган жумлани “Я тебя хорошо вижу”, деб таржима қилгандай гап. Ёки ҳозир ҳамма хусусий телеканалларда айланиб ётган рекламалардан бирига эътибор беринг. Чолғу чалиб ўтирган йигитнинг қошига келиб ўртоғи “Яна шуни ўйнаяпсанми?” деяпти. Тўғри, рус тилида “чалмоқ” сўзи” “играть” деб ифодаланади. “Гитара чаляпсан”, демоқчи бўлсангиз, бу “играеш на гитаре” деб айтилади. Айни дамда “играть” – “ўйнамоқ” (футбол ўйнамоқ – играть в футбол) маъносини ҳам билдиради. Рекламада эса чолғу чалаётган йигитга “Яна шуни чаляпсанми”, дейиш ўрнига “Яна шуни ўйнаяпсанми”, демоқда. Тўғри, чолғуни ўйнаш ҳам мумкин, фақат ёш боланинг қўлига тушиб қолса, ўйинчоқ сифатида. Аммо бу ерда таржимага, мени маъзур тутсинлар, мутлақо саводсизларча ёндашилган.

Эҳ-ҳе, бунақа мисолларни айтаверсанг кўп. Ҳозир ёзганларимни ўқиётиб, сизнинг хаёлингизда ҳам мисоллар ғужғон ўйнаётган бўлса керак. Умуман олганда, бу арзимас гапдай туюлади, лекин жамиятга жуда катта таъсир кўрсатади. Реклама шунчаки қайсидир маҳсулот турининг тарғиботигина эмас, балки мафкура воситаси ҳамдир! Масалан, юқорида келтирган мисолим аёл ва эркак ўртасидаги нозик муносабатларга тегишли дори воситаси рекламаси биз куюниб гапираётган, миллий қадриятларимизга, миллий ахлоқ меъёрларига зарба бераётган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан қай даражада кам? Қайсидир ичимликни тарғиб қилиш мақсадида йигит-қизлар жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиши-чи? Бу ерда фақатгина шу шарбат эмас, балки уни қаерда ва қандай ичиш ҳам тарғиб қилинмаяптими? Ёки фарзанд кўришни истаётган ёшларнинг бошига келиб, катта-матта кишилар карнай-сурнай чалиши-ю, турли қилиқлар билан “йўл”ини кўрсатишини қандай тушуниш мумкин? Бу ерда рекламани “миллийлаштираман” деб, миллатнинг устидан кулинмаяптими? Ахир бизда қиз ҳомиладор бўлса, отаси, қайнотаси, умуман, катталар кўзига кўринишга уялишган, шу боис кенг кўйлаклар кийилган. Бу ерда-чи, “амакилар” қандай ҳомиладор бўлишни ўргатишяптими? Куёв боланинг ғурури қаерда қолди?!



**Айтаверсанг, гап кўп. Менга қолса, реклама қилиш хусусиятига эга бўлган, яъни низомида шу вазифа акс этган ҳар қандай субъектга, у ТВми, радиоми, кўчалардаги табло ёки панноларми, ижтимоий тармоқ ё телеграм каналларими, ҳаммасига миллатни юксалтириш, жамиятни барқарорлаштиришга хизмат қиладиган ижтимоий роликлар яратиш ва мутахассислар кўригидан ўтгандан сўнг намойиш этишни, шунингдек, ҳар бир реклама жамланмалари орасида бирорта китобни текинга намойиш этиш вазифасини қўйган бўлардим. Ахир бу ҳар бир тадбиркорнинг жамият олдидаги бурчи эмасми? Ё уларнинг мақсади фақат молиявий фойда олишга қаратилганми?**

Мутасаддилар шу каби масалаларга эътибор бериши муҳим деб ҳисоблайман. Реклама тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш керакка ўхшайди. Бундан ташқари, чет эл маҳсулотлари рекламаларининг мафкуравий-ғоявий хусусияти ҳам ўрганилиб, мутасадди идоралар рухсати билангина тақдим этилиши йўлга қўйилмас экан, улар қайсидир маҳсулот фонида ғайриахлоқий ғояларни тарғиб этишда давом этаверадилар. Мафкуравий хуружнинг ҳар қандай туридан ҳушёр бўлайлик!

**Шаҳло АҲРОРОВА,**
**Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа доктори (PhD)**

ҚУТЛОВ

Самарқанд вилоятидаги

“КАТТАҚЎРҒОН ЙЎЛ ҚУРИШ-ТАЪМИРЛАШ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*ўткир қалами ва қудратли сўзи билан халқимиз дарду ташвишларини холис ёритишни ўзларининг инсоний бурчи деб билган ижод аҳлини, беҳаловат касб эгаларини*
*МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ*
*ва мўътабар, саодатли айём бўлмиш Қурбон ҳайити билан жаннатмонанд юртимиз ҳамда олис-яқин мамлакатлардаги мўмин-мусулмонларни самимий қутлаймиз.*
*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*





MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 545
**Адади: 21791**
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 23:40

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:
**Сардор МУСТАФОЕВ**